

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ ТУЙЧИ НОРБЎТАЕВИЧ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЛАБАЛАР  
ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МЕТОДИКАСИ  
(“Таълимда ахборот технологиялари” фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Жўраев Туйчи Норбўтаевич**

Рақамли технологиялар асосида талабалар ўқув-билув фаолиятини  
такомиллаштириш методикаси (“Таълимда ахборот технологиялари” фани  
мисолида)..... 5

**Жураев Туйчи Норбутаевич**

Совершенствование методики учебно-познавательной деятельности студентов  
на основе цифровых технологий (на примере предмета “Информационные  
технологии в образовании”)..... 21

**Juraev Tuychi Norbutaevich**

Improving the methodology of educational and cognitive activities of students on the  
basis of digital technologies (on the example of the subject “Information  
Technologies in Education”)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ ТУЙЧИ НОРБЎТАЕВИЧ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЛАБАЛАР ЎҚУВ-БИЛУВ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ  
(“Таълимда ахборот технологиялари” фани мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2241** рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каюмова Насиба Ашуровна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Жўраев Хусниддин Олтинбоевич**  
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Узаков Заир Узакович**  
физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Навоний давлат педагогика институти**

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "12" март соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 217 хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танилиши мумкин (84 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (99875) 225-34-13; факс: (99875) 221-00-56). e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "01" март да тарқатилди (2022 йил "01" март даги 03 - рақамли реестр баённомаси).



**Р.Д. Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
п.ф.д., профессор

**Н.Б. Камолов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
п.ф.д. (PhD), доцент

**Х.О. Жўраев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда юқори сифатли билим бериш ва соҳаларда рақобатбардош кадрлар фаолиятини таъминлаш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш муаммоси жадал суръатлар билан тадқиқ этилмоқда. Бу борада, айниқса, АҚШ, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Франция, Корея, Хитой, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Германия, Италия каби таълим тизими ривожланган давлатларда рақамли технологиялар асосида талабалар ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш муаммолари фан ва таълим тизимини рақамлаштириш билан бирга параллел тарзда ривожланмоқда. Чунки ҳозирги кунда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўқув жараёнини самарали ташкил этиш учун янги имкониятлар қидирилмоқда ва жаҳон андозаларига мос келадиган таълим технологияларидан бири сифатида рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали кенг жамоатчилик аудиториясини қамраб олиш соҳа олимлари олдидаги асосий мақсад ва вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда таълим жараёнини самарали ташкил этишнинг энг илғор технологияларини қўллаш асносида рақамли таълимга ўтиш жараёни амалга оширилмоқда. Google, Microsoft, WebSoft, Moodle каби компаниялар замонавий таълим сиёсатидаги бундай глобал ўзгаришларни таълим олувчининг талаби нуқтаи назаридан келиб чиқиб ташкил этиш ва амалга ошириш, ҳамда такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилмоқда. Шу боис дунёда янги рақамли таълим тизими шаклланаётган бир даврда рақамли технологиялардан бу жараёндаги энг муҳим вазифани бажаришга мўлжалланган объект сифатида, шунингдек, виртуал алоқани оммалаштириш, географик жойлашуви ҳамда тилидан қатъий назар рақамли алоқа тезлиги ва эркинлигини таъминлаш объекти сифатида самарали фойдаланиш масаласини илмий ҳал этиш зарур бўлмоқда.

Республикамизда таълим тизимини рақамли технологиялар асосида модернизациялаш учун ривожланган давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари филиаллари, кўшма факультетлари, кўшма таълим марказлари ташкил этилмоқда ва уларнинг моддий техник базаси яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “blended learning”, “flipped classroom” технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, таълим жараёнларида “булутли технологиялардан” фойдаланиш вазифалари белгилаб берилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони (Манба: <https://lex.uz/docs/4545884>).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг назарий ва методик асослари, электрон таълим ресурсларини яратиш ва қўллаш усуллари бўйича мамлакатимиз олимлари Т. Бекмуратов, А. Абдукодиров, М.М. Арипов, Ф.М. Закирова, У. Бегимқулов, С.С. Ғуломов, М.Ҳ. Лутфиллаев, А. Ҳайитов, Б.Б. Мўминов, Қ.М. Каримов, С.Қ. Турсунов, Н. Каюмова, И. Юлдошев, Т. Шоймардонов, М. Файзиева ва Б. Суропов каби олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда рақамли технологиялар ва мобиль таълимдан фойдаланиш масалалари А.А. Кузнецов, А.П. Ершов, В. Сысоева, В. Блинов, Т.А. Аймалетдинов, О.И. Воинова, Я.И. Кузьминов, Г. Тульчинский, Г. Скударева, А.В. Поначугин, А.В. Кудрявцев, Б.А. Ускова, Л. Зайцева, Г. Ахметжанова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан А. Брольпито, М. Milton, М. Brajković, В. Williamson, S. Deterding, S. Iftahar, Н. Samaras, Al-Marroof, L. Amali, J. Reyna, К. R. Heggart, С. Lemercier, R. J. M. Ventayen, R. Clark, G. Light, К. Tremblay, J. Stommel, J. James, T. L. Irby, J. F. Helliwell, F. J. García-Peñalvo, M. Decuypere, J. Bidarra, P. Bulus, Н. Kang ва бошқалар замонавий ахборот технологиялари ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ўз илмий ишларида ёритиб ўтганлар.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти 2019-2021 йилларда бажарилган AIF-2/17 “Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўқув жараёнини ташкил этишда янги технологиялар” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак ўқитувчиларни рақамли таълим технологиялари ва булутли дастурлаш сервисларидан фойдаланиб ўқув-билув фаолиятини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш муаммолари ва педагогик-психологик аспектлари замонавий касб буюртмачининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаб, рақамли технологиялар билан ўзаро муносабатда педагогик-психологик асосларнинг профессиограммага интегратив таъсирини аниқлаш;

касбий фаолиятда рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасини белгиловчи индикаторлар асосида ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш модели ва рақамли таълим муҳитини яратувчи дидактик воситалар ишлаб чиқиш;

таълим турларининг асинхрон ва синхрон қўлланилиши, интерфаол баҳолашнинг автоматик, ҳаққонийлик, интегративлик, мотивацион, фаолиятли ва креатив мезонларининг мобиль таълимдаги дидактик синтез имконияти, таълимий ахборотларни модернизацион шакллари орқали такомиллаштириш;

касбий фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг компетенциявий ёндашув даражасини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари ўтказиш ва стратегик прогнозлаш кўрсаткичлардан фойдаланишнинг эргономик, дидактик, методик талабларини ўзаро қиёсий интеграциялаш.

**Тадқиқотнинг объекти** рақамли технологиялар асосида талабаларга “Таълимда ахборот технологиялари” фанини касбга йўналтириб ўқитиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** талабаларга рақамли технологиялар асосида “Таълимда ахборот технологиялари” фанини такомиллаштирилган методик таъминот ёрдамида касбга йўналтириб ўқитиш мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

**Тадқиқот усуллари** педагогика-психология фанларига тегишли адабиётларни тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан ўрганиш ва таҳлил қилиш, “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича ўқув, ўқув-методик адабиётлар таҳлили, талабалар фаолиятини кузатиш, ижтимоий-педагогик сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синовларни амалга ошириш, ҳамда унинг натижаларини математик-статистик методлар орқали таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш муаммолари ва педагогик-психологик аспектлари замонавий касб буюртмачининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиб, рақамли технологиялар билан ўзаро муносабатда манипулятив, императив, лудомания, мотивацияни вужудга келтириш, мантиқий фикрлаш, хулосалаш каби асосларнинг профессиограммага интегратив таъсири аниқлаштирилган;

рақамли технологиялардан касбий фаолиятда фойдаланиш даражасини белгиловчи индикаторлар асосида бўлажак ўқитувчилар учун визуал дастурлаш

муҳити орқали динамик онлайн веб-платформа ва интерфаол мобиль иловалар ишлаб чиқилган ҳамда ўқув-билув фаолият такомиллаштирилган;

ўқитишда таълим турларининг асинхрон ва синхрон қўлланилиши, интерфаол баҳолашнинг автоматик, ҳаққонийлик, интегративлик, мотивацион, фаолиятли ва креатив мезонларининг мобиль таълимдаги дидактик синтез имконияти таълимий ахборотларни модернизацион шакллари орқали такомиллаштирилган;

касбий фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг компетенциявий ёндашув даражасини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари стратегик прогнозлаш ва кўрсаткичлардан фойдаланишнинг эргономик, дидактик, методик талабларини ўзаро қиёсий интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

рақамли таълим муҳитини педагогик лойиҳалаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг педагогик-психологик аспекти замонавий касб буюртмачининг талаблари асосида таълим бериш учун тавсиялар ҳамда мобиль таълим жараёнининг мазмун ва методларини такомиллаштириш учун таклифлар ишлаб чиқилган;

“Таълимда ахборот технологиялари” фанидан маъруза ва амалий машғулотларни рақамли технологиялар ёрдамида касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қиладиган рақамли таълим учун методик таъминот яратилган;

фанни ўқитишда рақамли таълим муҳитини ҳосил қилувчи мобиль таълим ва электрон ахборот ресурслари булутли дастурлаш хизматларидан фойдаланиб яратилган ва улардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

баҳолаш мезонлари асосида булутли технологиядан фойдаланиб, интерфаол тестлар ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий этилиб, ўзлаштириш самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар асосида маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, бажарилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рақамли технологияларнинг мобиль таълими асосида “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан талабаларнинг замонавий техник воситалар билан ишлаш малакалари ва қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқитиш методикаси



такомиллаштирилганлиги, LMS тизимида ва мобиль таълимда машғулотлар лойиҳаси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан рақамли таълим ахборот ресурсининг ДТС, малака талаблари асосида тавсия этилган билимлар мажмуи билан бойитилган ҳолда ишлаб чиқилганлиги ва фойдаланишга тавсия этилганлиги, ҳамда ўқув-билув фаолиятини такомиллаштиришда самарали натижалар кўрсатганлиги билан изоҳлаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бакалавр таълим йўналишлари талабалари учун рақамли таълим муҳитида ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига касбий билим, кўникма, малакаларни шакллантириш мақсадида анъанавий, масофавий ва мобиль таълим турларидан синхрон фойдаланишга оид таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган И-ХТ-0-19929-рақамли “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш, ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш” (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 2 августдаги 176/1-сон маълумотномаси) ва Қарши давлат университетининг АИФ 2/17-“Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда янги технологиялар” (Қарши давлат университетининг 2021 йил 9 августдаги 03/2646-сон маълумотномаси) мавзудаги фундаментал илмий лойиҳаларни бажаришда фойдаланилган. Натижада фанлар бўйича рақамли таълим иловаларини яратиш, ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

рақамли технологиялар асосида талабалар ўқув-билув фаолиятини такомиллаштиришга ва рақамли таълимни касбий фаолиятда жорий этишга оид ижодий-коммуникатив кўникма ва қобилиятларни ривожлантиришга оид илмий хулосалар асосида ишлаб чиқилган ўқитиш методикаси “Таълимда ахборот технологиялари” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-155-сон гувоҳномаси). Натижада мазкур қўлланма бўлажак ўқитувчиларнинг рақамли технологияларни касбий фаолиятда қўллашга оид компетенцияларини такомиллаштириш имконини берган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш компетенциясини шакллантириш мақсадида ўқув жараёнида мобиль илованинг булутли хизматларидан фойдаланиш методикаси “Информатика ўқитиш методикаси фанидан лаборатория ишлари” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-152-сон

гувоҳномаси). Натижада ўқув жараёнида мобиль таълимнинг булутли хизматларидан касбий фаолиятда самарали фойдаланиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та хорижий, 19 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 31 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 2 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 1 та хорижий журналда, шунингдек, 21 та даврий илмий ишлар тўпламларида чоп эттирилган.

**Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 155 саҳифадан иборат бўлиб, унда 40 та расм ва 12 та жадвал бор.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Рақамли технологиялар асосида талабалар ўқув-билув фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий назарий асослари”** деб номланган **биринчи бобида** таълим жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг бугунги ҳолати, унда талабалар ўқув-билув фаолиятини таъминланганлиги, талабалар ўқув-билув фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг методик таъминоти ва модели ишлаб чиқилиб, мазкур моделдан фойдаланиб рақамли технологиялар асосида **“Таълимда ахборот технологиялари”** фанини ўқитишнинг педагогик-психологик асослари кўрсатиб берилди.

Тадқиқотда талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш муаммолари ва педагогик-психологик аспектлари сўровномалар асосида аниқланиб<sup>2</sup>, замонавий касб буюртмачиларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, рақамли технологиялар билан ўзаро муносабатда манипулятив, императив, лудомания, мотивацияни вужудга келтириш, мантиқий фикрлаш, хулосалаш каби асосларнинг профессиограммага интегратив таъсирлари аниқланиб, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

---

<sup>2</sup> [https://docs.google.com/forms/d/1aBag\\_meKrLwsmfdL6yAoyscvnaG-\\_guq3K2HbiUKuul/edit?usp=sharing](https://docs.google.com/forms/d/1aBag_meKrLwsmfdL6yAoyscvnaG-_guq3K2HbiUKuul/edit?usp=sharing)

Тадқиқот давомида рақамли таълим асосида талабалар ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўқитувчи ва талабалар ўртасида сўровнома ўтказилганда олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш учун масофавий ва мобиль таълимнинг етишмаслиги, замонавий педагогик технологияларга асосланган рақамли таълимни яратиш методикасининг мукамал эмаслиги, электрон, масофавий ва мобиль таълим ресурсларидан фойдаланиш методикасининг мавжуд эмаслиги каби муаммолар борлиги аниқланди.


Мазкур тадқиқот ишида бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун мавжуд ўқув материаллари (дарслик, ўқув қўлланма), фан дастури, ўқув ва ишчи дастурлари таҳлил қилинган ва фанни ўқитишда рақамли таълим муҳитини ташкил этувчилари, яъни электрон, масофавий, мобиль таълим ресурслари тадқиқ этилган, ҳамда замонавий педагогик технологияларга асосланган масофавий ва мобиль таълимни дастурий воситаларини яратиш усуллари ва фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Талабалар ўқув-билув фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг замонавий усуллари сифатида “flipped classroom” (алмаштирилган синф), “cloud” (булут), “blend learning”(аралаш таълим) каби замонавий педагогик ва рақамли технологиялардан фойдаланиш, мотивацияга, замонавий рақамли таълим технологиялари таъминотига, билимларни либерал баҳолашга, касбий билим, кўникма ва малакага, ҳамда бу жараёни таҳлил қилишга боғлиқлиги тадқиқотда кўрсатиб берилган.

Рақамли таълимни ташкил этиш жараёнида методик таъминот бир бутун тизим сифатида шаклланиб, унда таълим жараёни илмий асосланган ўқув материаллари асосида режалаштиришга, талабаларни назарий ва амалий тайёрлашнинг бирлиги ва (flipped classroom) бир-бирига ўтиши таъминланишига, ўқув материални ўрганиш суръати тезлашишига, таълимнинг максимал фаоллиги ва етарлича мустақиллигига, талабалар шахсий ва жамоавий ишларни бажаришда бирикишига, ўқув жараёни таълимнинг замонавий техник воситалари билан таъминланишига, таълимнинг турли предметларини интеграциялашувига эришилди.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш компетентлигига эга бўлишини таъминлаш мақсадида педагогик модель ишлаб чиқилди (1-расм).

Моделда рақамли технологиялардан касбий фаолиятида самарали фойдаланиш компетентлигига эга бўлган бўлажак ўқитувчини тайёрлаш учун рақамли таълим технологиялари асосида ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.



1-расм. “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича ўқув-билув фаолиятини такомиллаштиришнинг схематик модели.

Моделнинг вазифалар компоненти талабаларнинг ўқув-билув фаолияти учун эҳтиёжи ва мотивларини аниқлаш, фанга оид кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги тадқиқотларни доимий ўрганиб, таҳлил этиб бориш учун белгилаб олинди.

Моделнинг ташкилий компоненти анъанавий, масофавий ва мобиль таълим асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, ҳамда электрон ўқув методик таъминот, билимларни булутли технология асосида онлайн баҳолаш, ўзаро илмий муносабатда чат ва форумдан фойдаланишга асосланган.

Моделнинг жараён компоненти инновацион таълим технологиялари асосида талабаларни фронтал, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаши, рақамли технологиялар асосида мавзу юзасидан саволларни чат ва форумда муҳокама қилиши, ўрганилган билим, кўникма ва малакаларни сўровнома орқали аниқлаш, талабалар билимини булутли технология асосида баҳолаш, мустақил таълим топшириқлари назоратини амалга ошириш ва натижаларни таҳлил қилиш каби жараёнларни тартибли бажаришига боғлиқ.

Моделнинг натижа компонентида бўлган бўлажак ўқитувчиларнинг рақамли технологиялардан касбий фаолиятида самарали фойдаланиш компетентли “Репродуктив” - паст, балларда “0-55 балл”, “Вариатив” – ўрта “55-70 балл”, “Қисман изланувчан” – юқори, “71-85 балл”, “Изланувчан” – креатив, жуда юқори, “86-100 балл” мезонлари асосида баҳоланади.

Талабаларнинг мобиль қурилмалари билан вақтларини қанча қисмини ўтказишларини инобатга олган ҳолда машғулотларда тест, кроссворд, викторина каби билимни баҳолаш усулларини ҳам мобиль қурилмада амалга ошириш айти муддаодир. Билимни баҳолаш вазифаси таълимнинг самарадорлигини белгиловчи ажралмас қисми бўлганлиги боис бу жараёнда булутли технология асосида жараённи ташкил этиш ва амалга ошириш таълимий мақсадга эришишнинг либераллилик тамойилини тўла қўллаб қувватлайди. Тайёрланган ўқув моделида ўқитувчи ролини актив ҳолатдан пассив кўринишга ўтказиш ва талаба учун бу ҳолат аксинчага ўзгаради. Бунга асосий сабаб уч турдаги таълимнинг ўқув методик таъминотини бир вақтда қўлланилиши ва талабада танлов имкониятининг кўпайганлиги ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Рақамли технологиялар асосида талабалар ўқув-билув фаолиятини ривожлантирувчи методик таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш методикаси”** номли иккинчи бобида рақамли таълим асосини ташкил этувчи замонавий дастурий воситалар таҳлили, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини такомиллаштирувчи мобиль дастурий воситаларни ишлаб чиқиш тамойиллари, талабалар ўқув-билув фаолиятини баҳолашнинг усул ва воситалари, яратилган дастурий воситалардан (H5P ва SCORMлардан Moodle) фойдаланиб дарсларини “blend learning” технологияси асосида ташкил этиш методикаси, мустақил таълим ташкил этишнинг шакли ва мазмуни, рақамли технологиялар асосида яратилган дастурий воситаларнинг булутли технологиялар билан интеграциясини таъминланиши ёритиб берилган. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятда рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасини белгиловчи индикаторлар асосида бўлажак ўқитувчилар учун визуал

дастурлаш муҳити орқали динамик онлайн веб-платформа (<http://www.online-aktkurs.uz/>) ва интерфаол мобиль иловалар ишлаб чиқилган.

Рақамли технологиялар асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини такомиллаштирувчи мобиль илова ишлаб чиқиш тамойилларида, асосан, куйидаги хусусиятларга эътибор қаратилган:

мураккаб ҳодисалар ва жараёнларни реал ҳаётда тасаввур қилишга ёрдам бериши;

овоз, графика, матн каби ахборотлар тартибланган кетма-кетликда синхрон кўринишда фойдаланилиши;

мобиль таълим материалнинг тузилиши ўқув дастурининг мақсади ва мазмунига мос келиши, матнли, визуал ва аудио тақдимот материалларининг педагогик-психологик талабга жавоб бериши;

мобиль таълим материали шахс номидан идентификация рақами орқали ифодаланиши;

гиперматн орқали боғланишларни ва ҳар қандай маълумотларни осонроқ топишлари учун қулайликлар мавжуд бўлиши лозим.

Олий таълим тизимида рақамли таълимдан кенг фойдаланиш мақсадида Массачусетс технология институти томонидан фойдаланишга тавсия этилган MIT App Inventor интуитив, визуал дастурлаш муҳити ёрдамида “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш учун қўлланиладиган мобиль таълимни ташкил этиш учун илова ишлаб чиқилди (2-расм).

Рақамли таълимни ташкил этадиган мобиль илова талабалар учун:

рақамли таълимда шахсни тасдиқловчи идентификацияга эга бўлиши;

мавзуларини матн, видео, анимациялар ёрдамида смартфон ва планшетлардан фойдаланиб онлайн ва оффлайн ўрганиш;

гуруҳнинг ҳар бир талабаси фаннинг мавзусига мос тест, кроссворд саволларига индивидуал жавоб бериши ва онлайн баҳоланиши;

ҳар бир мавзуга мос назарий маълумотларни, таъриф ва тушунчаларни, атамаларнинг изоҳли луғат ёрдамида онлайн ўрганиши;

чат, форум ёрдамида фан ўқитувчи ва бошқа талабалар билан маълумот алмашиш имконияти;

амалий ва лаборатория топшириқларини бажарилганлигини масофавий онлайн баҳоланиши;

анкета-сўров ёрдамида, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси дарс ўтувчи ўқитувчининг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида ўз фикрини билдириши.

Рақамли таълимни ташкил этадиган мобиль илова ўқитувчи учун:

рақамли таълимда шахсни тасдиқловчи идентификация назоратини олиб бориш;


ўқув машғулотларини олиб боришда интерфаол усуллардан фойдаланиши ва вебинарлар асосида онлайн олиб бориш;

талабалар билимини доимий онлайн назорат қилиш;

чат, форум ва электрон почта ёрдамида ўқитувчи ҳамкасблар ва талабалар билан онлайн маълумот алмашиши имконияти;

амалий ва лаборатория топшириқларини янгилаб бориш, бажарилиш жараёнини онлайн баҳолаш;

хар бир мавзуга мос назарий маълумотларни, таъриф ва тушунчаларни, атамаларнинг изоҳли луғатини онлайн янгилаб бориш имкониятларини яратади.



2-расм. "Таълимда ахборот технологиялари" фанидан мобиль илованинг модели.

Бўлажак ўқитувчиларнинг рақамли компетенциясини шакллантириш учун "Таълимда ахборот технологиялари" фанидан ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида касбий фаолиятида тақдимот яратишда Prezi, билимни баҳолашда Mytest, HotPotatoes, iSpring Suite, Google Classroom, ўқув анимацион роликлар тайёрлашда Macromedia Flash, Gif Animator, веб-ҳужжатлар билан ишлаш хизматлари Google Docs, Google Form, Google Sheet, масофали таълимни ташкил этиш тизимлари LMS, Moodle, Webinar, Zoom каби компьютер дастурларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот давомида “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан дарсларни рақамли технологиялар асосида маъруза, амалий, мустақил таълимни ташкил этиш, ҳамда ўтказиш методикаси “блиц-сўров”, “кичик гуруҳларда ишлаш”, “тақдимот”, “ақлий ҳужум”, “венн диаграммаси”, “blend learning”, “assessment”, “синквейн”, “cloud”, “flipped classroom” каби педагогик технологиялардан фойдаланиб ишлаб чиқилган ва талабаларда билимларни ўзлаштириши анъанавий дарсларга нисбатан самарали бўлган.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари”** деб номланган **учинчи бобида** тажриба-синов ишлари натижалари қайд этилган. Тажриба-синов ишлари 2018-2021 ўқув йиллари давомида Қарши давлат университети, Наманган давлат университети ва Навоий давлат педагогика институтининг 5111400 – “Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)” йўналиши биринчи босқич талабаларига ўқитиладиган “Таълимда ахборот технологиялари” фанини “blend learning” технологияси асосида ўқитиш ва машғулотлар жараёнида “блиц-сўров”, “кичик гуруҳларда ишлаш”, “тақдимот”, “ақлий ҳужум”, “венн диаграммаси”, “blend learning”, “assessment”, “синквейн”, “cloud”, “flipped classroom” каби интерфаол таълим методларини қўллаш натижасида талабалар ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилди. Тажриба-синов ишларида жами 539 нафар талабалар иштирок этишди.

Тажриба-синов ишлари тўрт босқичда амалга оширилди:

**Биринчи босқич – ташхис ва башорат қилиш босқичи.** 2018-2019 ўқув йилида ОТМларининг ўқув режаларидаги табиий-илмий ва гуманитар фанлари таркибига кирувчи “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг ДТСга мос ўқув режа соатлари ва дастурига мос дарсларнинг шакллари, ўқув соатларнинг машғулот шакли бўйича тақсимооти, мавжуд дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларни мазмуни ўрганиб чиқилди, ҳамда ўқув адабиётларининг ўзбек тилидаги нашрлари маънавий эскирганлиги аниқланди. Дарс жараёнида фойдаланиладиган рақамли технологиялар ва ўқитиш методикасидан фойдаланиш даражаси, талабаларнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш ҳолатлари ўрганилди. Кузатиш, ўрганишлар ва таҳлил этиш асосида тадқиқот мавзуси таҳлил қилинди ва тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, илмий фарази ва вазифалари аниқланди.

**Тадқиқот ишининг иккинчи босқичи – ташкилий тайёргарлик босқичи.** 2019-2020 ўқув йилида олиб борилган илмий тадқиқот ишларини ташкилий тайёргарлик босқичи бўйича педагогик тажриба-синов майдони сифатида Қарши давлат университети, Наманган давлат университети ва Навоий давлат педагогика институти танлаб олинди. Ушбу мақсадни амалга ошириш ва тажриба-синов ишларини ташкил этишда 5111400 – “Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)” йўналишидаги респондент-талабалар олинди, “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича гуруҳларнинг дарслари ва рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича малака кўникмалари таҳлил этилди.

“Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитишда рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳолати ўрганилди ва фанини ўқитиш бўйича



ОТМлари фан ўқитувчилари билан суҳбат ўтказилиб, уларнинг фикрлари анкета-сўровлар ёрдамида ўрганилди. Рақамли таълимни жорий этиш бўйича ўтказилган анкета-сўровлар, суҳбатлар усулидан эса талабаларнинг дарс жараёнида рақамли технологиялардан унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг малакалари даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

**Тадқиқот ишининг учинчи босқичи – амалий, шакллантирувчи ва назорат қилувчи босқич.** Таълим муассасаларининг 5111400 – “Хорижий тил ва адабиёти” (инглиз тили) йўналишидан иккита гуруҳ педагогик тажриба-синов ишлари учун танлаб олиниб, гуруҳларнинг бири тажриба, иккинчиси эса назорат гуруҳига ажратилди. Назорат гуруҳларида анъанавий ҳолда дарслар олиб борилди. Тажриба гуруҳларида дарслар ўқув жараёнида рақамли технология асосида мобиль таълимни жорий этиш бўйича тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Шунингдек, рақамли технологиялар асосида “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан талабаларнинг билимини назорат қилиш бўйича мобиль таълим ресурси ишлаб чиқилиб, талабаларнинг ўқув-билув самарадорлигини ошириш учун билимни интерфаол назорат қилиш жараёнлари мавзулар кесимида синовдан ўтказилди.


**Тадқиқот ишининг тўртинчи босқичи – умумлаштирувчи якуний босқич.** 2020-2021 ўқув йили давомида дарс жараёнида рақамли технологиялар асосида ишлаб чиқилган мобиль таълим иловасидан фойдаланиш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди ва таҳлил қилинди. Тажриба-синов сифатида қабул қилинган гуруҳларда ўқитилаётган талабалар “Таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича булут технологиясида ишлайдиган мобиль илованинг тест дастури асосида синовдан ўтказилди ва олинган натижалар таҳлил этилди. Тажриба-синовда иштирок этган талабаларнинг тажриба боши ва охиридаги кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал.**

**Тажриба-синовда иштирок этган талабаларнинг тажриба боши ва охиридаги кўрсаткичлари**

Ўзлаштириш даражаси	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Аъло	46	80	51	33
Яхши	91	138	91	104
Қониқарли	99	50	97	128
Қониқарсиз	33	2	31	8

Юқоридаги жадвалдан фойдаланган ҳолда талабаларнинг тажриба-синов бошланган ва якунланган ҳолатдаги ўзлаштириш динамикасини ҳосил қиламиз (3-расм). Тадқиқот ишидан олинган натижаларни ўқув жараёнига татбиқ қилишда ва талабаларга берилган топшириқларни бажаришни ўзлаштириш даражаси бўйича самарадорлик мезонининг кўрсаткичларини ҳисоблашда “Стьюдент мезони”дан фойдаланилди.



**3-расм.** Талабаларнинг “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан ўзлаштириш динамикаси.

Қарши давлат университети, Наманган давлат университети ва Навоий давлат педагогика институтида “Таълимда ахборот технологиялари” фанини мобил таълим асосида ўқитиш методикасини қўллаш бўйича олинган умумий натижалар тажриба гуруҳи талабаларининг ўзлаштириш самарадорлиги назорат гуруҳи талабаларидан 1,14 баробар юқори даражада эканлигини кўрсатди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Танланган ОТМларда ўтказилган тажриба-синов ишлари таҳлилининг умумий натижаси**


Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи $N_T = 270$				Назорат гуруҳи $N_H = 269$			
	5	4	3	2	5	4	3	2
Баҳо қиймати	5	4	3	2	5	4	3	2
Мос баҳолар сони	80	138	50	2	33	104	124	8
Баҳоларнинг ўрта арифметик қиймати	$X_T^* = 4,10$				$X_H^* = 3,60$			
Самарадорлик коэффициенти	$\eta = X_T^* / X_H^* = 1,14$							
X нинг ишончлилик эҳтимоли оралиғи	$4,08 < X_T^* < 4,11$				$3,59 < X_H^* < 3,61$			

Умумлаштирилган якуний натижаларни математик статистик таҳлили Стьюdent мезони ёрдамида қуйидагича ифодаланди:  $X_T^* = 4,10$  – тажриба гуруҳи  $X_H^* = 3,60$  – назорат гуруҳи.

Ушбу ўзгаришлар фаркидан акс этганидек, тажриба гуруҳидаги ўртача арифметик кўрсаткич назорат гуруҳидан олинган кўрсаткичга нисбатан юқори қийматга эга эканлиги қайд этилди ва самарадорлик коэффициенти

$\eta = \frac{X_T^*}{X_H^*} = \frac{4,1}{3,6} = 1,14$  тенглигини кўришимиз мумкин (4-расм). Юқоридаги қайд

этилган кўрсаткичларга кўра олинган ўзлаштириш самарадорлик коэффиценти 1 дан катталигини ( $\eta=1,14>1$ ) кўриш мумкин.



**4-расм.** ОТМларда ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари умумий статистик таҳлилининг диаграмма кўриниши.

Демак, “Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитишда таклиф этилган мобил, масофавий ва анъанавий таълим турларини ўзида мужассамлаштирган “blend learning” технологияси асосида ўқитиш методикасидан фойдаланиш яхши натижа бериши тажриба-синов ишлари натижалари орқали исботланди.

## ХУЛОСА

Рақамли технологиялар асосида талабаларнинг “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш учун қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Рақамли технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш масалалари бўйича илмий ишлар ўрганиб чиқилди ва бўлажак ўқитувчиларни ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш, ҳамда ўқув жараёнида мобил таълимни қўллаш “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш учун хизмат қилади.

2. “Таълимда ахборот технологиялари” фанидан мобил таълим учун “Android” тизимида ишловчи яратилган илова бўлажак ўқитувчиларни рақамли технологиялардан касбий фаолиятда самарали фойдаланиш компетенциясини шаклланишига ҳамда замон талаби даражасидаги мутахассис кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

3. Таълимий дастурий воситаларнинг булутли технологиялар билан интеграциясини таъминлашни тадқиқ этишда масофали ва мобил таълим билан булут технологиясининг ўзаро маълумотлар базаси алмашинуви билимни баҳолаш жараёнларини амалга оширишда либераллик тамойилига асосан барча талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини онлайн кўринишини таъминлайди ва талабаларнинг билишга бўлган интуициясини оширишга замин

яратади. Тўпланган тажрибалардан мобиль таълимда берилган ўқув материалдан онгли равишда мустақил фойдаланиш масъулиятли таълим жараёнига адаптацияни юзага келтириш воситаси сифатида хизмат қилади.

4. Талабалар ўқув-билув фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг педагогик-психологик асосларини такомиллаштириш бўйича муаммолар ҳақидаги тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асносида таълимда рақамли технологияларни қўллашнинг манипулятив, императив, лудомания каби асослари аниқлаштирилиши ва ўз вақтида бартараф этилиши зарур эканлиги ҳамда бу тадқиқотлар замонавий ахборот технологиялари тараққиёти билан доимий долзарб аҳамият касб этиши исботланди.

5. Пандемия даврида Республикамиз олий таълим тизимида қўлланилган Moodle тизимининг янги имкониятлари тадқиқ этилиб, видеодарсларни ташкил этишда синхрон тарзда билимни баҳолашнинг Н5Р тизимидан фойдаланиш мисолида кўрсатиб берилиши талабаларнинг дарс жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш танловини кенгайтди.

6. Рақамли технологиялар асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида тажриба-синов натижалари илмий жиҳатдан асосланиб, тегишли хулосаларга келинганлиги боис “blend learning” технологияси асосида фанни ўқитиш методикасида талабаларнинг ўзлаштириши 14 % ошганлиги билан ўз исботини топди.

Рақамли технологиялар асосида талабалар ўқув-билув фаолиятини такомиллаштириш учун куйидаги тавсияларга амал қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

1. Олий таълимнинг бакалавр йўналишларида “Таълимда ахборот технологиялари” фани ўқув дастурларини тажрибали фан ўқитувчилари муҳокамаси ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг етук мутахассислари ҳамкорлигида тузишга эришиш лозим.

2. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган “Таълимда ахборот технологиялари” фанининг такомиллаштирилган методик таъминоти ва динамик онлайн веб-платформа ва интерфаол мобиль иловалардан ўқув жараёнида фойдаланиш касбий фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг компетенциявий ёндашув даражасини шакллантиришга хизмат қилади.

3. Мобиль қурилмаларни нафақат олий таълимда, балки бошқа таълим турларида ҳам қўллаш самарали натижалар қайд этиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02. ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЖУРАЕВ ТУЙЧИ НОРБУТАЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ  
УЧЕБНО-ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ  
(НА ПРИМЕРЕ ПРЕДМЕТА “ИНФОРМАЦИОННЫЕ  
ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ”)**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (информатика)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Карши – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2021.1.PhD/Ped2241.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каршинском государственном университете. Автореферат диссертации доступен на трёх языках (на узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Каршинского государственного университета ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:	Каюмова Насиба Ашуровна кандидат педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Джурасв Хусниддин Алтынбоевич доктор педагогических наук (DSc), доцент Узаков Заир Узакович кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	Навонийский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «12» 03 2022 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 Каршинского государственного университета по присуждению ученых степеней (адрес: 180103, город Карши, улица Кучабар, 17. Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Каршинский государственный университет, факультет педагогики, 217-я аудитория.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за номером 24). (Адрес: 180103, г. Карши, улица Кучабар, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Автореферат диссертации разослан «01» 03 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 03 от «01» 03 2022 года)



**Р.Д. Шодиев**  
председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор  
**И.Б. Камолов**  
ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.п.н. (PhD), доцент  
**Х.О. Журасв**  
председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н. (DSc), доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире интенсивно исследуется проблема использования цифровых технологий в целях предоставления высококачественных знаний с использованием современных информационных технологий и обеспечения конкурентоспособной кадровой деятельности в отраслях. В связи с этим особенно в таких развитых странах, как США, Великобритания, Российская Федерация, Франция, Корея, Китай, Япония, Турция, Индия, Германия, Италия, проблемы совершенствования учебно-познавательной деятельности студентов на основе цифровых технологий развиваются параллельно с цифровизацией науки и системы образования. Так как в настоящее время, как и во всех сферах, в системе образования ведется поиск новых возможностей для эффективной организации образовательного процесса, и одной из основных целей и задач перед учеными отрасли является охват широкой общественной аудитории посредством использования цифровых технологий в качестве одних из образовательных технологий, соответствующих мировым стандартам.

На основе применения самых передовых технологий эффективной организации образовательного процесса в мире осуществляется процесс перехода на цифровое образование. Такие компании, как Google, Microsoft, WebSoft, Moodle, исследуют вопросы организации, внедрения и совершенствования таких глобальных изменений в современной образовательной политике с точки зрения требований, предъявляемых получателем образования. Поэтому в период становления новой цифровой системы образования в мире необходимо научное решение вопроса эффективного использования цифровых технологий как объекта, предназначенного для выполнения важнейшей задачи в этом процессе, а также популяризации виртуальной связи, обеспечения скорости и свободы цифровой связи независимо от географического положения и языка.

В нашей республике для модернизации системы образования на основе цифровых технологий создаются филиалы, совместные факультеты, совместные образовательные центры престижных высших учебных заведений развитых стран, создается их материально-техническая база. В Указе Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года № УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» говорится, что «индивидуализация образовательных процессов на основе цифровых технологий, развитие дистанционных образовательных услуг, широкое внедрение в практику вебинаров, онлайн, «blended learning», «flipped classroom», ... использование «облачных технологий» в образовательном процессе<sup>1</sup> ставят перед педагогами, осуществляющими деятельность в системе образования, задачу подготовки студентов, которые в будущем станут зрелыми специалистами своей профессии, определены задачи воспитания как личности, создающей основу для определения и развития перспективных направлений нашей страны.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-5847 от 9 ноября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» (Источник: <https://lex.uz/docs/4545884>).



Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 8 октября 2019 года № УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», от 5 октября 2020 года № УП-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации», постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 апреля 2020 года №ПП-4699 «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики «IV. Информатизация и развитие ИКТ»

**Степень изученности проблемы.** По теоретическим и методическим основам использования цифровых технологий в системе образования республики, методам создания и применения электронных информационно-образовательных ресурсов научно-исследовательскую работу проводили такие отечественные ученые, как В. Кабулов, Т. Бекмуратов, А. Абдуқодиров, М.М. Арипов, Ф.М. Закирова, У. Бегимқулов, С.С. Гуломов, М.Х. Лутфиллаев, А. Хайитов, Б.Б. Муминов, К.М. Каримов, С.К. Турсунов, Н. Каюмова, И. Юлдошев, Т. Шоймардонов, М. Файзиева, Б. Сурупов.

Вопросы использования цифровых технологий и мобильного образования в подготовке будущих педагогов к профессиональной деятельности в странах Содружества Независимых Государств исследованы такими учеными, как А.А. Кузнецов, А.П. Ершов, В. Сысоева, В. Блинов, Т.А. Аймалетдинов, О.И. Воинова, Я.И. Кузьминов, Г. Тульчинский, Г. Скударева, А.В. Поначугин, А.В. Кудрявцев, Б.А. Ускова, Л. Зайцева, Г. Ахметжанова

Из зарубежных ученых В. Williamson, S. Deterding, S. Iftahar, H. Samaras, Al-Marroof, L. Amali, J. Reyna, K.R. Heggart, C. Lemercier, R.J.M. Ventayen, R. Clark, G. Light, K. Tremblay, J. Stommel, J. James, T.L. Irby, J.F. Helliwell, F.J. García-Peñalvo, M. Decuypere, J. Bidarra, P. Bulus, H. Kang и другие раскрыли в своих научных работах целый ряд проблем, связанных с повышением эффективности образования с помощью современных информационных технологий.

**Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта AIF-2/17 «Новые технологии в организации учебного процесса высших образовательных учреждений Узбекистана», выполненного в 2019-2021 годах.

**Целью исследования** является совершенствование учебно-познавательной деятельности будущих учителей с использованием цифровых образовательных технологий и сервисов облачного программирования.



### **Задачи исследования:**

определение интегративного воздействия педагогико-психологических основ на профессиограмму во взаимодействии с цифровыми технологиями, выявив проблемы и педагогико-психологические аспекты совершенствования учебной деятельности студентов с учетом потребностей современного профессионального заказчика;

разработка модели совершенствования учебно-познавательной деятельности на основе индикаторов, определяющих уровень использования цифровых технологий в профессиональной деятельности, и разработка дидактических средств, создающих цифровую среду образования;

совершенствование асинхронного и синхронного применения видов обучения, автоматических, валидных, интегративных, мотивационных, деятельностных и креативных критериев интерактивной оценки путём модернизационных форм возможности дидактического синтеза в мобильном образовании, образовательной информации;

